

2-26-2020

## THE DEVELOPMENT OF THE CONTROVERSIAL ARTICLE GENRE IN THE 20 YEARS OF XX CENTURY

Marhabo Ahadovna Khudoykulova  
*researcher*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

---

### Recommended Citation

Khudoykulova, Marhabo Ahadovna (2020) "THE DEVELOPMENT OF THE CONTROVERSIAL ARTICLE GENRE IN THE 20 YEARS OF XX CENTURY," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 4 : Iss. 1 , Article 36.

DOI: 10.52297/2181-1466/2020/4/1/10

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss1/36>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИДА БАҲС-МАҚОЛА ЖАНРИ РИВОЖИ

## РАЗВИТИЕ ЖАНРА СТАТЬИ-ДИСКУССИИ В 20-ГОДАХ XX ВЕКА

THE DEVELOPMENT OF THE CONTROVERSIAL ARTICLE  
GENRE IN THE 20 YEARS OF XX CENTURY

*Худойқулова Марҳабо Аҳадовна*  
тадқиқотчи  
*Khudoykulova Marhabo Ahadovna*  
researcher

**Аннотация.** Мақолада адабий танқидчиликда кам тадқиқ этилган баҳс-мақоланинг XX асрнинг 20 йилларидаги ривожини, адабий жараён ва ёзувчи, шоирлар ижодига муносабати ҳақида фикр юритилган. Чўлпон, Ойбек, Фитрат каби сўз санъаткорларининг ижоди асосида масала моҳияти ёритиб берилган. Муаммоли мақола илмий-назарий мунозара ёки тадқиқот шаклида бўлиши мумкин, бу асарнинг поетикасига қаратилган ва бадиий ижод эстетикасига асосланган ҳолда мўлжалланган илмий ҳодисани монографияда ёритиб беради.

**Таянч сўзлар:** адабий танқид, баҳс, мунозара, баҳс-мақола, адабий жараён, танқидчи.

**Аннотация.** В статье изучается мало обследованное в литературной критике развитие статьи-дискуссии XX век 20-годов, литературный процесс и отношение к поэтам, прозаикам. Проблема раскрывается в примере творчеств Чулпана, Айбека, Фитрата. Проблемная статья может быть в форме научно-теоретического обсуждения или исследования, которое фокусируется на поэтике произведения и освещает предполагаемый научный феномен в монографии, основанный на эстетике художественного творчества.

**Ключевые слова:** литературная критика, спор, дискуссия, статья-дискуссия, литературный процесс, критик.

**Annotation.** The article analyses the development of the controversial article genre of the early twentieth century that has been little examined in literary criticism, literary process and attitude to the poet, prose writers. The problem is clarified in the example of works of Chulpan, Oybek, Fitrat. A problematic article can be in the form of a scientific-theoretical discussion or research that focuses on the poetics of a work and illuminates the intended scientific phenomenon in a monograph, based on the aesthetics of artistic creation.

**Key words:** literary criticism, dispute, discussion, controversial article, literary process, critic.

**Кириш.** Адабий танқид жанрлари ранг-баранг ва турли характерга эга бўлиб, адабиётнинг таракқиёти учун баравар кураш олиб боради. Маълум бир гуруҳга оид жанрлар бадиий асарнинг ёзилиши ва нашр этилишига алоқадор ташвиқотчилик характерига эга: такриз, адабий-танқидий мақола, адабий мактуб жанрлари асосан, ана шундай вазифани бажарадилар. Бошқа бир гуруҳ жанрлар ёзувчи ҳаёти ва ижодини умумлаштириш характерига эга: портрет-мақола, адабий портрет, танқидий-биографик очерк, эсселар шундай мақсадни кўзлайди. Шу тариха барча жанрлар бир мақсадни кўзда тутиб, ўзига хос яхлит илмий-бадиий тафаккур воситаси сифатида адабиётни юксалтиришга хизмат қилади, ижодкор ва унинг асари ҳақида яхлит хулосалар чиқариш хусусиятига эга бўлиб, ягона илмий-бадиий тизимни вужудга келтиради.

Адабий танқид жанрлари орасида адабий-танқидий мақола кенг тарқалган. Мақола «Адабиётшунослик терминлари луғати»да: «Газета ва журналлар учун кундалик муҳим

ижтимоий-сиёсий, маданий ва адабий ҳаёт масалалари тўғрисида ёзилган публицистик асар»[1,78] деб изоҳланади. Бунда мақоланинг ахборот беришга мўлжалланганлиги кўзда тутилган. Ҳақиқатан ҳам кундалик матбуотдаги мақолалар кенг оммага мўлжалланиб, ҳаммага тушунарли тил ва мароқли услубда ёзилганлиги билан характерланади ва асосан журналистик тадқиқот ҳосиласи ҳисобланади. Мақола муаллифи танлаган мавзуси моҳиятини оммага тушунарли қилиб ёритиш мақсадида ўша соҳага доир хилма-хил терминлар қўллаши ва уни тушунарли қилиш учун изоҳ ва луғатлар бериб бориши керак.

Мақола мавзуси, мазмуни ва моҳиятига қараб, сиёсий мақола, илмий мақола, публицистик мақола каби ички кўринишларга эга. “Адабиёт соҳасидаги тадқиқотларга тааллуқли мақола адабий-эстетик қарашлар ифодасидан таркиб топади. Бундай мақолаларда маълум асар, маълум адабий муаммо таҳлил қилиниб, шу жараёнда келиб чиққан илмий-эстетик хулосалар баён этилган бўлади. Шу хусусиятига кўра бу хилдаги мақолалар адабий-танқидий мақола деб юритилади”[2,28].

Адабий-танқидий мақоланинг бир тури муаммоли мақола адабий танқидда муҳим ўрин эгаллайди. Унда аниқ муаммо қўйилади ва унинг илмий-назарий моҳияти ёритилади. Муаммоли адабий-танқидий мақолада адабиёт ва адабиётшуносликнинг теран масалалари, долзарб муаммолари ҳал этилиши мумкин. Ўзбек адабиётшунослигида муаммоли мақола, унинг турлари ва таракқиёти каби масалалар жуда кам ўрганилган бўлиб, уларни тадқиқ этиш долзарб вазифалардан биридир.

**Асосий қисм.** Муаммоли мақола бирор асар поэтикасига бағишланиб, кўзланган илмий ҳодисани монографик характерда, бадиий ижод эстетикаси асосида ёритувчи илмий-назарий баҳс ёки тадқиқот шаклида бўлиши мумкин. Шу фазилатига кўра, улар икки кўринишда кенг тарқалган:

1) Баҳс характеридаги адабий-танқидий мақола, уни ихчамроқ қилиб, “баҳс-мақола” тарзида ифодалаш анъанага айланган. Баъзан суҳбат шаклида ўтказилгани боис “суҳбат-мақола” деб аталади. Баҳс-мақола тадқиқот, илмий муаммоли мақолаларга нисбатан матбуотда нофаолроқ, уларнинг кўпайиши илмий муаммоли мақолалар сифатини янада орттиради. Баҳс-мақола XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб тараққий этди.

2) Тадқиқот-мақола тадқиқий характерда бўлади. Масалан, танқидчи О.Шарафиддинов мақолаларида ҳаётий ва адабий далилнинг илмий-назарий хулосалар чиқаришга тўлиқ бўйсундирилганлиги ёрқин кўринади. Ҳақиқий олим далиллар моҳиятини ёритади, уларни қуруқдан-қуруқ санайверишдан ўзини тияди.

3) Баҳс-мақоланинг тадқиқот-мақоладан фарқи шундаки, унда кўтарилган муаммога бирдан ортиқ ёки бир неча ўнлаб адабиётшунос, олимлар фикр билдириши мумкин. Уларнинг баъзи бирлари, табиийки, бир позицияда туриб, бир фикрни, бошқалари ундан фарқли фикрни ҳимоя қилиши мумкин. Ш.Холмировнинг “Адабиёт ўладими?” мақоласи баҳс характерида бўлиб, унга кўпчилик ўз муносабатини билдирган эди. Турлича қараш, нуқтаи назарларга бой бу баҳс бир қанча вақт давом этди. Китобхонда қандайдир даражада мулоҳаза уйғотишининг ўзи баҳс характеридаги мақоланинг маълум аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ўзбек адабий танқидчилигида мақоланинг ички хиллари ривожланиб бораётган бўлса-да, ҳали бу соҳада шаклий жиҳатдан ранг-баранглик сезилмайди. Буни бошқа халқлар адабиётига назар солиш асосида кўрсатиш мумкин. Масалан, немис шоири Йоганн Ҳёте адабий-танқидий қарашларини Шекспир ижодига бағишланган мақолаларида ифодалаган, улар “эмоционал лирик монолог” шаклида ёзилган. Шекспир Ҳётенинг бутун ҳаёти давомида ўзига мафтун этиб келганлигини худди шу мақолаларда кўриш мумкин. Шунинг учун адабиётшунос О.Тоғаевнинг ўзбек танқидчилиги «шакл жиҳатдан ҳали анча камбағал» деган мулоҳазалари вақтида тўғри айтилган”[3,132].

Баҳс-мақолалар XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб адабий танқидга кириб келди. Ёзувчи ва танқидчиларнинг кўпчилиги ўзбек адабиётининг долзарб масалалари билан шуғулландилар. Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон, А.Саъдий, Элбек, ёшлардан эса Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулум, Миртемир, Боту, Ш.Сулаймон, Сотти Хусайн, А.Қаҳҳор, Олтой, О.Ҳошим, Юнус

Латиф танқидий, илмий-маърифий ишлари билан матбуот саҳифаларида тез-тез кўриниб турдилар. Улар ўзбек адабиётининг шаклланишига доир энг муҳим муаммолар устида баҳс юритганлар.

Ўтган асрнинг 20-йиллари охиридан эътиборан адабиёт ва адабий танқиднинг кескин синфий кураш шароитида ривожланиши уларнинг муҳим хусусиятидир. Бунга Чўлпон асарларининг адабий танқидда жиддий мунозараларга сабаб бўлганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Чўлпон ижодининг жиддий мунозараларга сабаб бўлиши ўша даврда баҳсу мунозараларнинг кучайиб кетганлигини кўрсатувчи бир далилдир. Адабий жараёндаги мунозаралар икки йўналишда олиб борилган. Биринчи йўналишга шоир ижодига объектив, тўғри баҳо берилган. Бунга А.Қодирий, А.Саъдий, В.Маҳмуд, А.Алавия, қисман З.Башир ва Ойбекнинг мақолалари киради.

Иккинчи йўналишга Айн, Усмонхон, Миёнбузрук Солихов, 30-йиллардан бошлаб эса А.Саъдий ва Туйғун ёзган мақолалар мансуб бўлиб, улар Чўлпон ижодига соф «марксча-ленинча» эстетика нуқтаи назаридан баҳо бериш асносида шоир қисматининг фожиага гирифтор этилишини тезлаштиришга сабаб бўлишди [4,].

1922 йилда Чўлпоннинг «Уйғониш» тўплами нашр этилди. Шу муносабат билан «Туркистон» (1923) рўзномасида танқидчи Зариф Баширнинг тақризи эълон қилинди. Тақризда у «Чўлпон ўртоқ хаёлга жуда бой бўлгани ҳолда ... унинг хаёли табиатда ва кишилиқ дунёсида бор ва бор бўлиши мумкин бўлган доиралардагина учадир», - дея таърифларкан, Чўлпонни халқ шоири эмас, бироқ халққа яқин бўлган зиёлилар» шоири деб атайди.

В.Маҳмуд эса шоирнинг «Булоқлар» тўпламига бағишланган тақризида Чўлпон шеърларининг моҳиятини тўғри таҳлил ва талқин этади.

1924 йилда “Зарафшон” газетасининг икки сониди “Ўзбек ёш шоирлари”, “Чўлпон” деган мақола босилади. Унинг муаллифи А.Саъдий Чўлпон ижодини анча батафсил текширади ва шоирни жуда “қисқа бир таъриф билан” “у ёнадир ҳам ёндирадур” деб таърифлайди.

Худди шунингдек, жуда ихчам шаклда бўлса ҳам А.Қодирий “Чўлпоннинг “Тонг сирлари” китобига ёзган сўзбошисида “Чўлпон йиғлоқи шоирдир” деган таъна-дашномларни рад этади, шоир шеърларида кўз ёши кўп учраса-да, Чўлпон “улардан чечаклар ундирмоқчи эканини” ёритиб беради.

1927 йилнинг 14 февраль куни “Қизил Ўзбекистон” газетасида Айн имзоси билан “Ўзбек шоирлари. Чўлпон” деган мақола босилади. Мақола сўнггида илова тарзида босилган изоҳда таҳририят шу мақола билан Чўлпон ижоди ҳақида баҳс бошланганини маълум қилган ва “барча қизиққан ўртоқларни” баҳсда иштирок этишга даъват этган эди.

Айн (О.Шарафиддинов) «Ўзбек шоирлари. Чўлпон» мақоласида кўпроқ ғоявий мазмунга эътибор беради. Шоирнинг «Уйғониш» (1922) тўплами нашр этилиши муносабати билан З.Башир мақола ёзиб, Чўлпонни «халқ шоири эмас, халққа яқин бўлган зиёлилар шоиридир» деган хато фикрни айтса, кейинроқ Айн «Ўзбек шоирлари. Чўлпон» мақоласида шоир ижодини асосиз равишда қоралаб чиқади: «Чўлпон миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлилар шоиридир», - дея кескин салбий баҳо берган эди.

Айн мақолада иложи борича ўзини холис қилиб кўрсатишга уринади. Шоирнинг ижобий сифатларига ҳам тўхталади. Чўлпоннинг “энг кўп ёзувчи”, “адабиётда айрим ўрин тутувчи шоир” эканини эътироф этиб, шоирнинг тилига юксак таъриф беради. “Бу кунги ўзбек адабий тили, шубҳасиз, Чўлпон тилидир. Бутун адабий ёшлиқ унинг тилини ўрнак танийдир. Унга тақлид қилади”. Бироқ мунаққид синфийлик кўзойнагини тақиб олиши билан шоир шеърларига хавфли айблар кўя бошлайди ва шоирга «Чўлпон йўқсул халқнинг шоири эмас, у миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлилар шоиридир». Унинг мафқураси шуларнинг мафқурасидир. У шу мафкура йўлида уринади, талпинади. Уни қайнатган, илҳом берган нарсалар шулардир” деб айб кўяди, шу билан бу фикр фожиали айбномага айланади.

Орадан кўп ўтмай, ёш Ойбек “Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?” деган мақола билан чиқди. Шу баҳсга жавобан ёзилган Ойбекнинг мақоласи Айннинг «ижод эркинлигини чеклашни, адабиётни «ғоявийлик» ботқоғига ботириб, боши берк кўчага киритиб қўйишни ва бора-бора адабиётнинг санъатлигига путур етказишини» англаган ҳолда ёзилган қарши жавоб эди. Ойбек адабиёт ҳақида ҳукмрон мафкура қолипларидан келиб чиқиб эмас, санъат қонуниятлари асосида мулоҳаза юритишга чақиради. Ойбек русларнинг Пушкинни қанчалик севишини мисол қилиб келтиради-да, шу асосда «биз ҳам Чўлпондан қўл торта олмаймиз», дейди. Негаки, Чўлпоннинг адабиётдаги хизматлари катта: «Чўлпон янги адабиётда янги нарса яратди. Мувашшаҳ адабиёти ўрнига бу куннинг бадиий завқига яраша ёқимли (бадиий) гўзал шеърлар ўртага чиқарди. Бу кунги ёш насл унинг содда тилини, тотли услубини, техникасини кўп севади. Ундан кўп гўзалликлар олади», - деб ёзган Ойбекни ўша даврда бу мақоласи учун нотўғри айблаганлар ҳам бўлди.

Ойбек ўзи шоир бўлгани туфайли Чўлпон шеърятини чуқур таҳлил қилиб, унинг халқ учун зарурлигини, аҳамиятини тўғри таъкидлайди. Ойбекнинг Чўлпон шеърятига бағишланган мақоласини дадиллик билан ёзилган ишлардан бири дейиш мумкин. Шу тариқа Чўлпоннинг шеърятини ва драмаларини адабий танқидда жиддий мунозараларга сабаб бўлди.

Баҳсга аралашган «Мунаққиднинг мунаққиди» мақоласини ёзган Усмонхон Ойбекни бирёқлама танқид қилиб, Чўлпон ижодида мазмун билан шакл алоқаларини нотўғри тушунганликда айблайди. Чўлпоннинг бадиий шаклидан фойдаланамиз дегани учун Ойбекни адабиётга «буржуача қарайди»ганлар сирасига қўшади. У Чўлпон ва унинг “тузғон” “чўлпонизми” ёшлар учун ғоятда зарарли” деган фикрни ўртага ташлар экан, “Чўлпонда саботлик, мустақил дунёга қараш йўқ”, “У у шохдан бу шохга қўниб юради”, “Чўлпон ўзининг шоирлик вазифасини тўғри тушунмайди”, “Чўлпон тараққийпарвар расом эмас, таназзулпарвар хаёлпарастдир” деганга ўхшаш кескин ибораларни қўллайди. Ҳолбуки, бу мақола ёзилган кезларда Чўлпон учта шеърлар тўплами эълон қилган, ўнлаб драматик асари саҳналаштирилган, юзлаб мақолалари босилган, кўпгина асарларни таржима қилган, жамоатчилик томонидан истеъдодли ижодкор сифатида тан олинган эди”.

Наҳотки жиндай ўйлаб ўтирмай, жиндай андишага бормай, шундай одамни “тушунмайди”, “дунёқараши йўқ”, “беқарор”, “бетайин”, “таназзулпарвар” деб ҳақоратлаш мумкин бўлса?!, - деб ёзади куйиниб О. Шарафиддинов. Ҳа, мумкин эди – маркеча адабиётшунослик, совет танқидчилиги ана шу беандишаллиги билан ҳам машҳур бўлди” [4,28]. (Таассуфки, шунча замонасозлигига қарамай, Усмонхоннинг ўзи ҳам бошқа истеъдодли зиёлилар каби ўша мафкурани ҳар қанча ҳимоя қилмасин, қатағоннинг қурбони бўлган).

Шуни ҳам айтиш керакки, Ойбек 1927 йил 29 август сонидан «Мунаққиднинг мунаққиди» мақоласининг эгасига” деб номланган Усмонхонга жавобидан аввал бадиий асарнинг мазмуни билан шаклини бир-бирдан ажратиш иш кўргани «зўр хато» эканини бўйнига олгани ҳолда адабиётни «бадиий асар ичига кўмилган ҳис ва фикрларни санъат тилидан социология тилига» кўчириб таҳлил қилиш ҳақидаги эътиқодига содиқ қолади, ўз қарашларини ҳимоя қилади.

Бу баҳс-мунозаралардан муайян ижобий хулосалар чиқарса бўлади. «Жумладан, Ойбекнинг мақолаларида шундай ўринлар бор эдики, улар адабиётшуносликдаги ақидапарастлик ва вульгар социологизмга қарши курашда, ижодкорларни беҳуда калтақлардан, ўринсиз зуғумлардан асраб қолишда дурустгина замин бўлиши мумкин эди»- деб ёзади Озод Шарафиддинов [4,29]. Аммо мафкура Айн билан Усмонхонни ҳимоя қилар эди, шу тариқа ўзбекнинг буюк шоири Чўлпон ноҳақ қатағонга учради. Албатта, Айн, Усмонхон, А.Саъдий кабилар ўртасидаги баҳс-мунозаралар Ойбек ижоди, унинг танқидчилик маҳоратининг ривожига маълум даражада таъсирини кўрсатди. Бу Ойбекнинг баҳс интеллекти ва санъатини чуқур эгаллаганлигининг ёрқин намунасидир: у баҳсларда маданиятли, босиқ, мулоҳазаларини илмий асослай оладиган ўткир мунаққид сифатида кўрина олди.

Ойбек ўз мақоласида Айн билан мунозарага киришар экан, Чўлпонни Пушкинга қиёслаб таҳлил қилса-да, танқидчининг Чўлпон ижодининг ғоявий нуқсонлари ҳақидаги фикрларига қўшилади, барибир Чўлпон ижодига соф санъат мезонлари нуқтаи назаридан баҳо беришга интилади. Ойбек ҳам, З.Башир ҳам ҳали ёш, танқидчилик асосларини чуқур эгаллаб олмаган эдилар, шу сабабли профессионал қобилиятларини тўла намоён этишга қодир эмас эдилар, бинобарин, ўз фикрларини аниқ асарлар таҳлили орқали исботламай қўйгандилар. Шунинг учун улар Чўлпон ижодининг чинакам ҳимоячисига айлана олмадилар. Бундай чигал ва мураккаб муҳитда ғалаба қозониш ҳам мушкул эди.

Айн ва Ойбек изидан бориб, «Мунаққиднинг мунаққиди» мақоласини ёзган Усмонхон (Эшонхўжаев) Ойбекни бирёқламаликда айблади, уни адабиётга буржуача қарайдиганлар сафига қўшди. Ойбек яна Усмонхўжага жавоб ёзиб, баъзи хатоларини тан олди, баъзида ўз фикрида собит турди. XX аср бошларидаги адабий танқиднинг Чўлпон ижодига муносабати икки йўналишда давом этганлигини эътироф этишга тўғри келади. Шу мақола билан баҳс тўхтади. Баҳсни А.Икромов якунлайди.

“Мен қатъий аминманки,- деб ёзади О.Шарафиддинов,- фақат Чўлпон тақдиридагина эмас, балки бутун ёш ўзбек адабиётининг кейинги ривожини белгилашда, шунингдек, адабиётшунослик ва адабий танқидчиликдаги йўналишларни маълум изларга солиб юборишда бу баҳснинг роли бениҳоя катта бўлади. Шунинг учун унинг мазмуни ҳақида, қандай масалалар атрофида баҳс кетгани тўғрисида, қандай хулосаларга келингани ва адабиётга кириб келаётган ёш ижодкорларга қандай йўл-йўриқлар берилгани борасида батафсилроқ мулоҳаза юритсак, фойдадан холи бўлмас. Чунки ўзбек адабиётининг социалистик реализм адабиёти сифатида орттирган анча-мунча “фазилатлари”нинг томири худди шу мунозарага бориб тақалади” [4,29].

Афсуски, ўзбек адабиёти ва танқидчилигининг туғилиши ҳамда шаклланиши жараёнида, аниқроғи, XX асрнинг 20-30-йилларида истеъодларга шундай ёндашиш қарор топа бошлаган эди. Айниқса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Акмал Икромовнинг давр мафкурасига асосланиб, Чўлпон ижодига нотўғри ёндашуви бу жараёни янада кескинлаштирди. Бундай бирёқлама қарашлар А.Қодирий, А.Чўлпон, А.Фитрат сингари адибларнинг ноҳақ қамалиб, фожиали қатл этилишларига олиб келди.

Чўлпон ижодига бағишланган баҳс иштирокчиларини юқорида икки гуруҳга бўлган эдик. Биринчи гуруҳга кирган В.Маҳмуд, А.Саъдий (қисман), А.Қодирий, Ойбек кабилар шоир ижодига объектив баҳо берганлар дейиш мумкин.

Чўлпон ижодига субъектив баҳо берган, иккинчи гуруҳга мансуб З.Башир, Айн, Усмонхон ва А.Икромовнинг қарашларини ўша давр мухити ёқлар эди. Мустақиллик мафкураси эса бугунги кунга келиб, биринчи гуруҳдаги мунаққидларнинг қанчалик ҳақ эканликларини намоён этди.

Ўша давр адабий танқидидаги баҳсларга шоир ва мунаққид Боту ҳам ўз муносабатини билдирган. Академик Б.Назаров Боту ўзбек шеърят тарихидагина эмас, адабий-бадиий танқидчилиги тарихида ҳам алоҳида ўрин тутишини таъкидлайди [5,55].

Боту биринчилардан бўлиб, ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги олдида муҳим талаблар қўйди, унинг келажакдаги вазифаларини белгилашга интилди. 1928 йилда “Нафис адабиёт соҳасида ўз-ўзини танқид” деб номланган баҳс-мақоласида айна шу масалаларни кўтариб чиқди. Адабиёт бадиий томондан ҳам баркамол бўлиши керак деган фикрнинг айтилиши нафақат, ўзбек танқидчилиги, балки умумиттифоқ танқидчилигида бадиий асарлар асосан ғоявий-сиёсий жиҳатдан туриб баҳоланиши авж олган ва асарларга уларнинг бадиийлигини ҳам инобатга олган ҳолда қиммат бериш бир қадар суст бўлган бу даврда назарий жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга эди.

XX асрнинг 20-30-йиллар ўзбек танқидчилигида бадиий асарнинг ғоявийлиги устида кўп тортишувлар бўлиб ўтган [5,136]. Ана шу масалага бағишланган баҳслардан бири К.Тригуловнинг “Нафис адабиёт жабҳамизни соғломлаш йўлида” (1928) мақоласи билан бошланган; баҳс Олтойнинг “Нафис адабиётда соғлом мафкура ва соғлом танқид керак”

мақоласи билан давом эттирилган. Ботир эса “Нафис адабиёт тўғрисидаги мунозарага” номли мақоласида бу баҳсда кўтарилган масалаларга ўз муносабатини билдирди. Бироқ бу мақолалар учун муштарак бўлган камчилик шуки, уларда бадиий ижоднинг барча қисмларини мафкура масаласи билан боғланишда ўрганишга берилиб кетиб, асарнинг ғоясини ундаги образ, қаҳрамон билан, хусусан, бадиийлик ва шакл масалалари билан алоқадорликда текшириш бир четда қолган эди. Йўл қўйилаётган бу камчиликларга С.Ҳусайн эътибор берди. Санъаткор ижодини фақат мафкуравий жиҳатдангина эмас, уни шакл масаласи билан боғланишда таҳлил этмоқ керак, деб чиққан мунаққид фикрича, ғоявий мазмун билан уни намоён қилувчи шаклнинг ўзаро боғланишда ўрганилишида танқидчилигимиз усулининг асосий фазилати намоён бўлади.

Бадиий ижодда ғоявийлик билан бадиийлик бир-бирига шу даражада бирлашиб, қоришиб кетгандагина чинакам санъат асари пайдо бўлади. Уларнинг бирини иккинчисидан юқори қўйиш, бадиий ижод моҳиятини ижтимоий борлиқ тараққиёти қонуниятларидан келиб чиқиб тушунтириш, талқин этиш вульгар социологизмга олиб келади, адабий-бадиий, илмий- эстетик тафаккур равнақига путур етказди.

Мумтоз меросдан фойдаланиш керакми ёки керак эмас? деган масаладаги баҳсда вульгаризаторлик усулини танлаганлардан бири Ж.Бойбўлатов бўлиб, унинг меросга ўта нигилистик муносабати, ҳатто уни ҳақорат қилиш даражасига бориши «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуасини баҳолашида равшан кўринади. У «Намуналар»ни тузган Фитратни ҳам, унга сўзбоши ёзган О.Ҳошимни ҳам ҳақорат қилишдан қайтмайди. Унинг «Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик» мақоласи бошдан охиригача мумтоз ижодкорлар ижодиётини қоралашдан иборат. Жумладан, у ёзади: «.. Қисқаси, чиғатой нафис адабиёти мазмун жиҳатдан тасаввуфлик билан, шакл жиҳатдан араб ҳам форслик билан суғорилгандир. Чиғатой шоирларидан – бу мутасаввуфлардан, хаёлпарастлардан, символистлардан ва бошқалардан ўзбек пролетар адабиёти учун қандай бўлса ҳам бир нарса олишимиз шубҳалидир»[5,140].

Ж. Бойбулатовнинг баҳсли мақолаларидаги бундай асосланмаган айбларга жавоб бермаслик мумкин эмас эди. О.Ҳошим «Адабий мерос ва чиғатой адабиёти» сарлавҳаси остида икки мақола ёзиб, у билан баҳсга киришса-да, ўша давр мафкураси тазйиқидан қутула олмайди. Ва ёзади: «Жадид адабиёти ўзбек буржуазияси адабиётидир. Жадид адабиёти ўзбек буржуазиясининг фикрини ва унинг бошдан кечирган ҳолатларини акс этадир, унинг учун ишлайдир, куладир, йиғлайдир»[5,141]. Сирасини айтганда, бу “сталинчилик” сиёсатининг қолиплари асосида берилган баҳо эди.

Отажон Ҳошим кейинчалик мумтоз адабиётни баҳолашда аввал йўл қўйган шу хатоларини тузатишга ҳаракат қиладики, бу ҳақиқий танқидчиларга хос фазилат эди. У меросдан фойдаланишнинг бир неча босқичлари борлигини, уни диққат билан ўрганиш зарурлигини таъкидлайди. «Чиғатой адабиёти кўп бадиий намуналар бергандир, бу адабиётнинг бир қанча санъаткор шоирлари бор»лигини эътироф қилади. Лутфий, Навоий ва бошқа сўз усталари шеърларидан мисоллар келтириб, бадиий маҳорат масалаларига тўхталади. Унинг фикрига кўра, «ҳозирги пролетар шоирларининг камчилиги ҳам шу томонда», яъни маҳоратнинг етишмаслигида. Ўз фикрини яхшироқ тушунтириш ва қандай қилиб бадиий етук асарлар яратиш санъатини эгаллаш мумкинлигини уқтириш ниятида В.Маяковскийнинг «Шеърни қандай ёзиш керак?» номли китобидан мисоллар келтиради.

Баҳс-мақолани ўша даврнинг фаол танқидчиларидан бири А.Саъдий ижодида ҳам кузатиш мумкин. 1924 йили А.Саъдий «Ўзбек ёш шоирлари» мақоласида Фитрат ижодини ноўрин танқид қилади. Унга жавобан Вадуд Маҳмуднинг «Адабий танқидга бир назар» баҳс-мақоласи юзага келди. У Фитратни Саъдийга нисбатан ўткирроқ далиллари, асослироқ нуқтаи назари билан ҳимоя қилади. Фитрат ҳам Вадуд Маҳмуднинг адабий-назарий чиқишларини кузатиб борган. Ҳатто «Адабиёт қоидалари»нинг «Эл адабиёти» бўлимида Вадуд Маҳмуднинг ёзма ва эл адабиётининг тафовути, ўхшаш ва қарама-қарши жиҳатлари, оғзаки адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари хусусидаги қарашларини қўллаб-қувватлайди.

А. Саъдий Фитрат ижодини жиддий текширмай, ҳатто қайси асари қачон ёзилганини аниқламай, «Фитрат ижоди 1917 йил февраль инқилоби билан бошлангандир» деб фактик ҳатоликка йўл қўяди. Ҳар ҳолда Фитратни шоир ва адиб ўлароқ Туркистон 1910 йилдан бери танийларким, ўшал вақтларда унинг ёзган шеърлари ҳатто ёзма ҳолда кўлдан-кўлга юрар эди,-деб эътироз билдиради Вадуд Маҳмуд А.Саъдийга.

А. Саъдий мақоласининг умумий руҳида танқид қилишга мойиллик кучли. У Фитратни деярлик шоир ҳисобламайди, файласуф сифатида билишни истаб, баъзи заиф далиллар келтиради. Вадуд Маҳмуд Фитрат ижодини ана шундай ноўрин танқидлардан ҳимоя қилади: «Биринчидан, бу бир адабий танқид эмасдур. Чунки бунда «адабий» маъно отидан ҳеч бир нарса йўқдир. Тилни, ҳаётни, руҳни ва асосан шеърни тушунмай юритилган фикрни адабий деб айтмоқ муносиб эмасдур. Шу эътибори билан бу илмий нарса ҳам эмасдур», деб ёзади «Адабий танқидга бир назар» баҳс-мақоласида (1924).

Албатта, ҳозирги замон адабиётшунослиги нуқтаи назаридан ҳар иккала мақолада баҳсталаб ўринлар йўқ эмас. 20-йилларда А. Исмоилзода ва А. Саъдий миллият юзасидан, Жулқунбой ва Назир Тўрақулов матбуот хусусида, Жулқунбой ва Ғози Юнус «Муштум» журнали ҳамда сатира ва юмор ҳақида, Абдурауф Фитрат ва Неймат Ҳаким, Элбек ва Зехний ўзбек тилининг назарий асослари устида баҳс-мунозарага киришган эдилар. Ўша давр матбуоти саҳифаларида бунга ўхшаш баҳслар кўплаб учрайди. А. Саъдий билан Вадуд Маҳмуд ўртасидаги адабий-илмий тортишув эса 20-йиллар адабий танқидчилигида адабий баҳс жанрининг ёрқин ва типик намунасиридир»[6,59].

А. Саъдий билан Вадуд Маҳмуднинг «Адабий-тарихий саводсизликка қарши» ва «А. Саъдийнинг саводи» мақолалари шундай баҳс асосида қурилганлиги билан ажралиб туради.

**Хулоса.** Кўринадики, XX асрнинг бошларидан бу жанр қизгин ривожланиш палласига кирган, аммо шўро даврига келиб, адабий танқиддаги субъективизм жанр динамикасида, мазмунида ўзгаришлар пайдо бўлишига олиб келди.

Кейинги йилларда турли мавзудаги баҳс-мақолаларнинг кўпайиши бу жанрга эътиборнинг ошаётгани ва олимларнинг адабиётнинг тадқиқ этилмаган ёки баҳсли муаммоларини очишга интилаётганларининг белгиси бўлиб, уларни ўрганиш кейинги ишларимиздан биридир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Hotamov N. Sarimsoqov B. va b. Adabiyotshunoslik terminlari lug'ati. - T., 1967.
2. Axmedova Sh. O'zbek adabiy tanqidchiligi janrlari. - T.: Fan, 2008. 28-b.
3. Tog'ayev O. Ibratli saboqlar. - T., 1976. - 132 b.
4. Sharafiddinov O. Cho'lponni anglash. - T.: Cho'lpon, 1994.
5. O'zbek sovet adabiy tanqidi tarixi. - T., 1987. 55-b.
6. Bahodir Karim. Jadid munaqqidi Vadud Mahmud. - T., 2000. 59-b.

УДК: 821.512.133

## АБДУЛЛА ОРИПОВ ҲАЖВИЁТИНИНГ ҚИРРАЛАРИ

### ГРАНИ САТИРЫ АБДУЛЛА АРИПОВА

#### THE FACES OF SATIRA ABDULLAH ARIPOV

*Равшанова Гулрухбегим Қаҳрамон қизи*  
ҚарДУ адабиётшунослик кафедраси ўқитувчиси  
*Ravshanova Gulrukhbegim Kahramon kizi*  
teacher of the department of literature, QarSU

**Аннотация.** Ушбу мақолада Абдулла Ориповнинг ҳажвнавислик маҳорати ва қирралари таҳлилга тортилган. Жамиятдаги иллатлару нуқсонлар ва уларни фош қилишда